

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 1465-ҳадис

A horizontal sequence of 24 small squares arranged in a single row. Each square contains a vertical bar. The bars are white in the first 18 squares and blue in the last 6 squares, separated by a vertical colon.

25-дарс

Ўлимнинг эслашни маҳбублиги ва уни орзу қилишнинг карохияти

Аллоҳ таоло: «Эй мүминлар, на мол-дунёларингиз ва на болачақаларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (яъни Аллоҳга ибодат қилишдан) юз ўгиртириб қўймасин! Кимки шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўргувчи кимсалардир. Сизларнинг (ҳар) бирингизга ўлим келиб, у: «Парвардигорим, мени озгина муддатга (ҳаётда) қолдирсанг, мен хайр-садақа қилиб, солиҳ (банда) лардан бўлсам», деб қолишдан илгари - Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилингиз. Аллоҳ бирон жонни ажали келган вақтида (вафот эттирмасдан) қолдирмас. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир», деб айтган. (Мунофиқун сураси, 9-11-оятлар).

1. Ибн Умар розияллоху анхұмодан ривоят қилинади:

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг елкамдан ушлаб:

«Дунёда гўёки ғариб ёки йўловчи мусофири каби бўлгин», дедилар. Ибн Умар розияллоҳу анхумо (мана шу сўзни эшитганларидан кейин): «Қачон кечлатсанг, тонг бўлишини кутма! Қачон тонг оттирсанг, кеч киришини кутма! Соғ пайтингда касал пайтинг учун ҳам (тайёргарлик қилиб) ол. Ҳамда тириклик пайтингда ўлиминг учун ҳам (тайёргарлик қилиб) ол», дедилар.

Имом Бухорий ривоятлари.

Манба: hadis.islom.uz

